

Қосимова Гулнора
Таянч докторант, ТошДШИ

ЯПОН ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ НАЪМУНАЛАРИДА МИЛЛИЙ КОЛОРИТ ВА УМУМИЙЛИК

Аннотация. Мазкур мақола япон халқ оғзаки ижоди намуналари ҳисобланмиш мақол, матал, афоризмларнинг таҳлили ҳамда уларда ифодаланган миллий руҳ ва умумийликни очиб беришга бағишланган. Япон миллий анъаналарини ҳамда қадимий урф-одатларини ўзида ифодаловчи мақол, матал ва афоризмларнинг ранг-баранг намуналари таҳлили орқали мазкур мамлакат маънавий маданиятининг ўзига хос жиҳатлари очиб берилади. Шу билан бирга, мақолада япон ҳамда бошқа халқлар донишмандлиги намуналарида ҳам учрайдиган ўхшаш мақол, матал ва афоризмларнинг ўзаро таққосланиши натижасида, уларда ифодаланган умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ гоялардаги умумийликни кўрсатиб беришга алоҳида эътибор қаратилган.

Таянч сўз ва иборалар: япон халқ оғзаки ижоди, мақол, матал, афоризм, миллий руҳ, япон маънавий маданияти, умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ гоялардаги умумийлик.

Аннотация. Данная статья посвящается анализу пословиц, поговорок и афоризмов, а также раскрытию национального духа в них и общих основополагающих черт с культурами других народов мира. Через анализ разнообразных образцов пословиц, поговорок и афоризмов, раскрывающих японские национальные традиции и древние обычаи, показываются свойственные своеобразие и особенность духовной культуры этой страны. Вместе с тем, в результате сравнения и сопоставления их с аналогичными образцами устного творчества других народов мира, выявляется их верность идеям общечеловеческих ценностей.

Опорные слова и выражения: японский фольклор, пословица, поговорка, афоризм, национальный дух, духовная культура Японии, общность идей общечеловеческих ценностей.

Abstract: This article deals with the analysis of Japanese folklore examples, such as proverbs, sayings, aphorisms and aims to show cultural essence of Japan through them. The author points out the characteristics of Japanese culture relaying on analyze of a various proverbs, sayings, aphorisms which are devoted to a different topics and where national customs, ancient traditions and culture are strongly expressed. Furthermore, author draws reader's attention to the examples of Japanese proverb, sayings, aphorisms which are quite similar with other nation's folklore

examples and through the comparison between them notes their generality, common points of them as well.

Keywords and expressions: *Japanese folklore, proverb, sayings, aphorism, national essence, Japanese spiritual culture, generality of ideas with panhuman values.*

Муайян бир мамлакат мақол, матал ва афоризмлари билан яқиндан танишиш бизда ана шу халқ ҳақидаги тушунчаларимизнинг янада кенгайишига ҳамда бойишига хизмат қилади. Мақол, матал ва афоризмларда мазкур халқнинг ўзига хос миллий хусусиятлари гўзал ва бир вақтнинг ўзида лўнда тил, ифодалилик орқали муҳрланган десак, адашмаган бўламиз. Шу билан бирга, уларда турли хил халқларни ўзаро яқинлаштирадиган умумийлик ифодаланиши ҳам яққол кўзга ташланади.

Маълумки, **мақол** деб халқнинг ижтимоий-тарихий, ҳаётий-маиший тажрибаси умумлашган бадиий, образли мулоҳазалардан иборат ҳикматли сўзларга айтилади. Мақол атамаси арабча [قول] – *қавлун* – гапирмоқ, айтмоқ сўзидан олинган¹.

Мақолларда сўз қиммати алоҳида ёрқин ифодаланади. Чунки мақоллардаги сўзларни бошқаси билан алмаштириш, бирон сўз қўшиш мумкин эмас. Улар миллий тил таркибида қолиплашган ҳолда намоён бўлади. Бу жанр дунёдаги ҳамма халқлар оғзаки ижодида бор бўлиб, ҳажм, шакл, яратилиши мақсадига кўра муштарак ҳисобланади.

Матал, одатда, нотик нутқи таркибий қисмини ташкил этади, аммо мустақил қўлланганда тугал фикр англатмайди. Масалан, халқимизда “Яхши гап билан илон инидан, ёмон гап билан қилич қинидан чиқар” деган мақол бор. Агар мақолнинг ярим матнини “Фалончи илон инидан чиқадиган қилиб гапирди” тарзида қўлласак, биз матал айтган бўламиз ва “Фалончи яхши гапирди” маъносини билдирамиз. Чунки “илон инидан чиқадиган” сўз бирикмаси алоҳида айтилса, мустақил маъно англатмайди. Маълум бўладики, матал шахс нутқини гўзаллаштириш учун хизмат қилар экан, холос. Мақол эса маталдан мустақил маъно ифодамай олиш хусусияти билан фарқланади.

Афоризм тугал фикрни англатувчи, ўткир мазмунли қисқа ва лўнда ибора, байт ёки жумладир. Мақоллардан фарқли равишда афоризмлар келиб чиқиши жихатидан маълум бир шахс (ёзувчи, шоир, публицист, файласуф, олим, давлат арбоби ва бошқалар)га мансуб бўлиб, индивидуаллигини сақлаб қолади.

Япон халқининг лисоний ижодида мақол, матал ва афоризмлар муҳим аҳамият касб этади. Улар мазкур мамлакат маънавий маданиятининг ажралмас

¹ <http://e-adabiyot.uz/kitoblar/qo'llanmalar/867-uzbek-xalq-ogzaki-ijodi.html?start=7>

қисми саналади. Кимки Япония ва япон халқи билан яқиндан танишмоқчи бўлса, мазкур мамлакатнинг мақол ва маталларига мурожаат қилмасдан туриб, бу ишни уддалай олиши амри маҳол. Японлар кундалик ҳаётда, расмий чиқишларда, адабиётда ва матбуотда мақол ва маталларга жуда кўп мурожаат қиладилар. Умуман олганда, образлилик япон тилига хос бўлган хусусият ҳисобланади. Японлар нутқи метафора, аллегория, ўхшатишлар билан тўла бўлиб, уларнинг кўпчилиги мақолларга айланиб улгурган. Япон халқ мақоллари ва маталлари истеъдодли, меҳнаткаш халқ образини янада чуқурроқ англашга ва мазкур мамлакат тилининг поэтик гўзаллигини ҳис қилишга ёрдам беради.

Япон халқи ўзининг халқ оғзаки ижодига катта эътибор қаратиб, уни ёш авлод вакилларига етказишга ва халқ донишмандлиги ҳисобланган мақол, маталлар орқали уларнинг онгини миллий руҳда шакллантиришга ҳаракат қилади. Шу сабабли деярли ҳар йили мақол, матал ва афоризмларга бағишланган луғат ҳамда илмий адабиётларни қайтадан нашр қилиб туради. Япон мактабларида ўқитиладиган она тили фани дарсликларига ва адабиёт хрестоматияларига кўп қўлланиладиган энг бўёқдор мақол ва маталлар келтирилган махсус боб киритилган. Мазкур боб “Котовадза” деб номланган бўлиб, ўзбек тилига “мақол”, “матал”, “афоризм”, “ҳикмат” деб таржима қилади. “Котовадза” кенг қамровли маънодаги сўз бўлиб, бир вақтнинг ўзида “мақол”, “матал”, “афоризм”, “ҳикмат”ларни назарда тутати ва шу сабабли японлар мақол, матал, афоризмларни алоҳида жанр ва гуруҳларга ажратмайдилар.

Ҳозирги кунгача етиб келган япон мақолларининг асосий қисми меҳнаткаш томонидан яратилган бўлиб, уларда халқнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ тажрибалари, воқеликка нисбатан муносабатлари образли ҳамда бадиий шаклда ифодаланган. Масалан, япон халқи сиёсий тузумни адолатсизлигидан кўп азият чеккан ва уни қоралаган ҳолда қуйидаги мақолларни яратган: *“Ҳуқуқ кучли бўлган жойда, ҳуқуқ кучсиздир”* (бойлар ва камбағалларнинг тенгсизлиги, фақат бойларнинггина ҳуқуққа эга эканлиги назарда тутилмоқда), *“Одамларни тунаганни жаллодга элтар, халқни тунаганни тахтга ўтқизар”*, *“Бой терни ҳам, қонни ҳам сиқиб олар”*. Бундан ташқари, жамиятда пулнинг кучи ҳақида япон халқи шундай дейди: *“Кимда пул бўлса, Будда унга боқар”*, *“Пул ҳатто шармандаликни ювар”*, *“Пул дўзахда ҳам қудратга эга”*, *“Пул одамларни бегоналаштиради”* кабилар. Ҳукмдорлар ҳақида япон халқи донишмандлигида шундай дейилади: *“Ҳукмдор мисоли қайиқ, халқ эса сув кабидир ва у ёки манзилга элтади, ё чўктириб юборади”*, бошқа тарафдан мана шу мавзуга доир японларда қуйидагича мақол мавжуд: *“Агар ҳукмдорда юрак бўлса, халқ ҳам унга қалб билан мурожаат қилар”*.

Кўпчиликга маълум бўлганидек японлар ўта диндор халқ эмас. Буни ҳатто мақоллар ҳам исботлайди. Япон халқ донишмандлигида японлар “Худони бошга фақат кулфат тушганда чақирадилар” дея таъкидланилади, ҳамда “Кўлингдан келганича ҳаракат қил, қолганини худога (тақдирга) топшир” деб маслаҳат берилади. Япон халқи руҳонийларга нисбатан кинояли муносабатда эканлигини “Агар ҳамма руҳонийлар ҳақгўй бўлганларида Буддалар жуда кўпчиликни ташкил этарди” деган мақол орқали кузатишимиз мумкин.

Тил – бу халқнинг улкан бойлигидир. У асрлар давомида яратилади. Унинг грамматик тизими ва лексик қатлами ўзгариб борса-да, унда халқнинг ғоя ва фикрлари, орзу-умидлари, ўзининг маънодор ҳамда бой ифодаларини афоризм, мақол ва маталларда топган ҳаётий тажрибалари сақланиб қолади. Буларнинг барчаси ўзгармаган ҳолда, тарих, маданият, қадимги урф-одатлар, шу билан бирга халқнинг миллий руҳи ҳақида сўзлаган ҳолда оғиздан-оғизга ўтиб, келажак авлод учун етиб боради.

Шу ерда бевосита япон тилида мавжуд бўлган кўп сонли мақол, маталлар ва афоризм орасидан ўзига хосларини, янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, япон миллий руҳи кучлироқ акс эттирилганларини танлаб олиб, улар билан яқиндан танишиб чиқсак.

1. 秋の扇 (Аки но оги) – Кузги елпиғич.

Маъноси: Кузги елпиғич деганда, севги ҳисси сўнганлиги учун эркак томонидан ташлаб кетилган аёл назарда тутилмоқда. Иссиқ пайт ҳисобланган ёз чоғида энг керакли буюмлардан бири бўлган елпиғич куз келганда фойдасиз нарсага айланади. Шу сабабли бу ерда аёл елпиғичга қиёсланмоқда. Мазкур афоризмнинг этимологияси VIII асрларда яшаган Хан Соёо исмли сарой хоними қиролнинг муҳаббатини йўқотганидан сўнг, кераксиз бўлиб қолгани, ўзини кузнинг елпиғичига ўхшатиб ҳасрат шеърларини битганда қўллаганлиги билан боғлиқ.

Русча эквиваленти: Как рыба зонтик.

2. 悪事千里を走る (Акужи сэнри о хаширу) – Ёмон иш минг ри²гача етиб боради.

Маъноси: Ёмон қилмиш тез орада бутун оламга тарқлади.

Русча эквиваленти: Добрая слава лежит, а худая бежит.

3. 頭剃るより心を剃れ (Атама сору ёри кокоро о сорэ) – Бошни қиргандан кўра, қалбингни қир (яъни, ташқи кўриниш тўғрисида эмас, ички гўзаллик тўғрисида кўпроқ қайғур дейилмоқда).

Маъноси: Бошини қириб кўринишдан руҳонийга (буддизмда руҳонийлар бошларидаги сочларини қириб ташлайдилар) айланса ҳам, юракдан, қалбдан

² Ри – ўлчаш бирлиги бўлиб, 3,9 км га тенг.

ўзгармаса фойдаси йўқ. Шу сабабли кўриниш эмас, руҳнинг поклиги муҳимдир, деган фикр ёритилмоқда.

Русча эквиваленти: Больше заботься о красоте души, нежели о красоте лица.

4. 提灯に釣鐘 (Чичин ни цуриганэ) – Қоғоз фонарга – мис кўнғироқ (ўзаро умуман номутаносиб буюмлар).

Маъноси: Қоғоз фонар ҳам, мис кўнғироқ ҳам кўринишдан, шакл жиҳатидан бир-бирига ўхшаш. Бироқ оғирлик жиҳатидан мутлақо фарқлангани сабабли, ўзаро солиштириш нотўғри. Мазкур матал олдинлари, асосан, совчиликда қўлланилган бўлиб, тарафларнинг ўзаро синфий ва ижтимоий ҳолатининг тўғри келмаслигини ифодалашда қўлланилган бўлса-да, ҳозирда ўзаро нотенг ва номутаносиб бўлган нарсаларга нисбатан ҳам қўлланилади.

5. 泥中の蓮 (Дэйти но хасу) – Лойдаги нилуфар.

Маъноси: Лойдаги нилуфар нопок муҳитда, ифлос шароитда ҳам ёмонликка булганмаган ҳолда пок, тоза ва тўғри яшаш тарзига қиёсланмоқда. Нилуфар гули лойланган жойларда илдиз отиб ўсадиган гул ҳисобланса-да, унинг гуллари чиройли бўлиб, тоза қолади. Мазкур маталда нилуфар гули мажозий маънода қўлланилиб, буддизм таълимотининг ҳаёт ҳақидаги насиҳатларини ўзида ифода этганлиги учун у буддизм руҳидаги маталлар қаторига киради.

Русча эквиваленти: Жемчужина в навозной куче.

6. 海老で鯛を釣る (Эби дэ таи о цуру) – Олабуға балиғини креветка билан овламоқ.

Маъноси: Катта нарсага эришиш учун кичкина нарсдан воз кечиш назарда тутилмоқда.

7. 江戸のかたきを長崎で討つ (Эдо³ но катаки о Нагасаки⁴ дэ уцу) – Эдодан аламини олиш учун Нагасакига хужум қилмоқ.

Маъноси: Бирор-бир одам аламини умуман алоқадор бўлмаган одамдан олиши назарда тутилмоқда.

8. 栄耀に餅の皮を剥く (Эё ни мочи но қава о муку) – Мочи⁵нинг сиртини сидириб, фақат ўртасини ейиш.

Маъноси: Ортиқча фаровонликда мочини сиртини емай ташлаб юбориш даражасидаги ошиқча исрофгарчилик назарда тутилмоқда.

Русча эквиваленти: С жиру беситься.

³ Ҳозирги Токионинг қадимги номи.

⁴ Нагасаки Япониянинг катта префектураларидан бири.

⁵ Гуручдан тайёрланадиган япон кулчаси (ширинлик).

9. 初めは人酒を飲む中頃酒酒を飲む終り酒人を飲む (Хажимэ ва хито сакэ о номи, накагоро ва сакэ га сакэ о номи, овари ва сакэ хито о ному) – Аввал одам сакэ⁶ни ичади, кейин сакэ одамни.

Маъноси: Сакэни ичишни бошлаганда одам ўзини бошқара олади, ичишни давом эттиравериши билан мувозанат йўқолади ва охир-оқибат одам ўзини унутиб қўяди деган маъно ифодаланмоқда. Мазкур мақолда меъёрни билмаслик хунук ҳолатларга олиб келиши назарда тутилмоқда.

10. 人の禪で相撲を取る (Хито но фундоши дэ сумо о тору) – Бегона одамнинг фундоши⁷сида беллашмоқ.

Маъноси: Бировнинг нарсасини ишлатиб, фойда топиш. Сумо курашида беллашувчиларда фундоши бўлмаса қатнашмай қўйса ҳам бўлаверади, бировнинг фундошисини олиб беллашиб, мақсадига етиш маъноси мажозий ифодаланмоқда.

Русча эквиваленти: Чужими руками жар загребать.

11. 仏の光より金の光 (Хотокэ но хикари ёри канэ но хикари) – Будданинг нуридан кўра олтинники ёруғроқ.

Будданинг муруввати пулнинг кучига тенг кела олмаслиги, жамиятда яшаш ва муаммоларни ҳал қилиш учун маблағ муҳимлиги назарда тутилмоқда.

Русча эквиваленти: Деньги открывают все двери.

12. 仏の顔も三度まで (Хотокэ но као мо сандомадэ) – Будданинг ҳам юзини уч мартадан ортиқ силасанг, жаҳли чиқади (яъни, ҳамма нарсанинг ўз чегараси бор).

Маъноси: Одам қанчалиқ оғир-босиқ бўлмасин, кўрсатилган қайта-қайта ҳурматсизлик ва кўполликдан унинг сабр косаси тўлади, деган маъно ифодаланмоқда. Буддавийликда айрим ибодатхоналарда ибодатдан сўнг будда ҳайкалини уч марта силашга ижозат берилади. Бунда ибодат қилаётган одамнинг ниятлари амалга ошишига ишонилади. Мазкур маталда ҳам буддавийлик руҳияти акс эттирилган.

Русча эквиваленти: Всякому терпению есть предел.

13. 仏作って魂入れず (Хотокэ цукуттэ тамаш ирэзу) – Будда яратди, бироқ руҳни солишни унутди.

Маъноси: Бу мақолда ишни бошлаб охирига етказмаслик, бундан ташқари энг асосий нарсани бажармаслик ёки унутиб қолдириш мажозий тарзда ифодаланмоқда.

14. 弘法筆を選ばず (Кобо⁸ фудэ о эрабазу) – Кобо мўйқалам танламас.

⁶ Сакэ – гуручдан тайёрланган япон спиртли ичимлиги.

⁷ Фундоши – сумо курашчиларининг тосида ўраладиган боғичи.

⁸ Кобо – IX асрнинг машҳур япон хаттоти.

Маъноси: Ўз ишининг устаси асбобнинг яхши ёки ёмонлигига қарамай ҳар доим ишини аъло даражада бажаради деган маъно ифодаланмоқда.

Русча эквиваленти: У плохого косаря виновата коса.

15. 帯に短し襷に長し (Ўби⁹ ни мижикаши тасуки¹⁰ ни нагаши) – Ўби учун жуда калта, тасуки учун узун.

Маъноси: На у ёқлик, на бу ёқлик, аросат бўлганлиги учун ҳеч нимага ярамайдиган иш ёки нарсанинг қиёси.

Русча эквиваленти: Ни богу свечка, ни черту кочерга.

Ни яд, ни лекарство.

Ни то, ни сё.

Ни два, ни полтора.

Юқорида кўриб чиққан япон мақол, матал ва афоризмларининг барчасида бошқа халқларда учрамайдиган, фақат япон халқига хос бўлган миллийликни кузатишимиз мумкин. Мақол, матал ва афоризмларда японларни ўраб турган борлиқнинг турли хил элементлари, яъни оддий кундалик ҳаётда қўлланиладиган буюмлар (елпиғич, қоғоз, фонарь), миллий кийимлар (ўби, тасуки), ичимлик (сакэ), флора ва фауна (нилуфар гули, олабуға балиғи, креветка) кабилардан тортиб, то тарихий шахс исмлари (Кобо), топонимик номлар (Эдо, Нагасаки) ҳамда буддавийлик таълимотига тегишли бўлган диний қараш, тушунчаларнинг акс эттирилиши япон халқи маданиятининг ранг-баранглигини, канчалик бошқа халқлардан фарқланиши, ўзига хослигини намоён қилмоқда. Бироқ бу япон халқ оғзаки ижоди намуналарида бошқа халқлардан мутлақо фарқланиб, улар орсиди умуман ўхшашликлар ёки умумийлик йўқ дегани эмас, албатта.

Типологик жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, япон мақол, матал ва афоризмлари кўпроқ Хитой халқ донишмандлиги намуналари билан ўхшаш ва улар орасидаги ўхшашликлар географик жойлашув, умумий дин, фалсафий қарашлар ўхшашлиги ва яна бир қанча омиллар орқали изоҳланади.

Бундан ташқари, деярли барча халқлар халқ оғзаки ижодида учрайдиган, кенг қўлланиладиган бир маънони ифодаладиган умумий мақол, матал ва афоризмлар япон маънавий бойлигида ҳам мавжуд. Қуйидаги мисоллар фикрларимизни исботлайди:

1. 隣の飯は白い (Тонари но мэши ва широи) – Қўшнингнинг гуручи окрок туюлар.

Маъноси: Бу ерда ҳар доим ўзингни нарсангдан бировники чиройлироқ, яхшироқ туюлади деган маъно ифодаланмоқда. Ўзбек тилида мазкур мақол “Қўшнинг товуғи ғоз кўринар, Келинчаги – қиз” мақолига тўғри келади.

⁹ Ўби – япон миллий кийими кимононинг белбоғи.

¹⁰ Тасуки – иш қилаётган пайтда халақит бермаслик мақсадида енглари боғлаб олиш учун ишлатиладиган ипак тасма.

2. 火を見により明らかだ (Хи о мини ёри акиракада) – Оловга караганингдан ёруғроқ.

Мазкур матал жуда кўп қўлланиладиган маталлар сирасига кириб, унинг ўзбек тилидаги эквиваленти “Кун ёруғидай ойдин” ҳисобланади.

Русча эквиваленти: Ясно как день.

3. 壁に耳あり (Кабэ ни мими ари) – Деворнинг ҳам кулоғи бор.

Русча эквиваленти: И у стен есть уши.

4. 蛙の子は蛙 (Каэру но ко ва каэру) – Қурбақанинг боласи қурбақа.

Маъноси: Фарзандлар ота-онасига ўхшаши ҳақидаги мақоллар барча мамлакатларда мавжуд. Шу жумладан, ушбу мақол ўзбек тилида “Олманинг тагига олма тушади” варианты билан берилади.

Русча эквиваленти: Яблоко от яблони далеко не падает.

5. 飼い犬に手を噛まれる (Каину ни тэ о камарэру) – Ўзининг ити томонидан тишланмоқ.

Маъноси: Бу маталда ҳатто яқин деб ҳисоблаган одамларинг ҳам хоинлик қилиши мумкинлиги ҳақида гап бормоқда. Ўзбек тилидаги “қўйнида илонни сақламоқ” матали ушбу маталнинг эквиваленти ҳисобланади.

Русча эквиваленти: Вскормить змею на своей груди.

Япон халқ мақоллари, маталлари ва афоризмларига бағишланган мазкур иш орқали биз япон маданияти, менталитети, қарашлари ва қадриятлари натижасида юзага келган, даврлар оша халқ донишмандлиги сифатида етиб келган халқ оғзаки ижоди намуналарининг кичик бир қисми билан танишиб, таҳлил қилган ҳолда уларнинг ўзига хос тарафларини кўриб чиқдик.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, япон маданияти жаҳон маданиятида муҳим аҳамият касб этади. Япон адабиётининг Мурасаки Сикибу, Ихара Сайкау, Кавабата Ясунари, Акутагава Рюноскэ, Нацумкэ Сосэки, Танидзаки Дзюнитиро, Нагаи Кафу каби вакиллари жаҳон маънавий мероси хазинасига ўзининг яратган асарлари ила улкан ҳисса қўшишган. Бу ёзувчиларнинг ижодий фаолиятининг бошланғич нуқтаси фольклор ҳисобланади. Халқ донишмандлиги мисоли қудуқдаги тоза сувдир, қанча олсанг шунча тиниқ сув чиқаверади.

Япон халқ оғзаки ижодини ўрганиш япон халқини ҳар томонлама англашга имконият яратади. Бу мамлакатнинг мақол, матал ва афоризмлари ҳаётнинг турли мавзуларини қамраб олган бўлиб, уларнинг ҳар бирида япон одамлари ва уларнинг турмуш тарзи, ўй-фикрлари, ҳаётий тажрибалари миллийлик ила ифодаланди ҳамда уларнинг барчаси бетакрордир. Бундан ташқари, Японияда, бизда ва бошқа халқларда учрайдиган ўхшашликларнинг мавжудлиги барча

халқларга хос кадриятларнинг умумийлигини яна бир бор исботлайди, десак муболаға бўлмайди.